

ДЕПУТАТ ҲАМ ТАДБИРКОР



Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилоти Сенатда ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичи ғолиби бўлди. Олий Мажлис Сенатида “Энг яхши ижтимоий ташаббус” кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда бешта номинация бўйича 1-2-3-ўринларни қўлга киритган ғолиблар тақдирланди.

Кўрик танловининг “Энг яхши ижтимоий ташаббускор тадбиркорлик субъекти” номинацияси бўйича Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги “Миршоди Кўзмунчоқлари” нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, депутат бугунги кунда маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Шарофиддин Мамасобиров биринчи ўринга муносиб деб топилди.